ЎЗБЕКИСТОНДАГИ “ҚУЛОҚ” ПОСЁЛКАЛАРИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ

Мақолада Ўзбекистондаги қулоқ посёлкаларининг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўрганилган. Республикадаги меҳнат посёлкалари дислокацияси, сургун қилинган собиқ қулоқларнинг миллий таркиби, миқдори, меҳнат фаолияти ва яшаш шароитлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *қулоқ посёлкалари, қулоқлар, дислокация, махсус кўчирилганлар.*

В статье освещается социально-экономическое положение спецпосёлков Узбекистана в годы второй мировой войны. Приведены данные о количестве спецпосёлков, спецпоселенцев и их дислокации, о количестве и национальном составе сосланных кулаков, об их трудовой деятельности и условиях быта.

Ключевые слова: *кулацкие посёлки, кулаки, дислокация, спецпоселенцы.*

The article studies the social-economic position special villages of Uzbekistan for exiled rich people who did not want to join the newly organized collective farms during the years of World War II. The article contains database of exact number of such villages, their dislocation, their national structure,their conditions of work as well as living conditions.

Key words:*. kulak village, kulak, dislocation, specposelensy.*

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш даврида қулоқ сифатида тугатилган деҳқон хўжаликлари мамлакатнинг чекка минтақаларидаги махсус меҳнат посёлкаларига сургун қилинганлар. Махсус посёлкалардаги тартиб жазо лагерларидаги тартиблардан деярли фарқ қилмаган. Яъни, посёлкаларда комендатура назорати ўрнатилиб, сургун қилинганларга нисбатан қатор сиёсий ва ҳуқуқий чекловлар жорий этилган. Махсус посёлкалар ОГПУ-НКВД-МГБ ГУЛАГ Махсус посёлкалар бўлими томонидан бошқарилган. Бундай махсус посёлкалар 1930-1931 йилларда Ўзбекистоннинг янги ўзлаштирилаётган ҳудудларида ҳам ташкил этилган бўлиб, улар 1954 йилгача фаолият кўрсатди.

"Қулоқлар сургуни"дагилар расмий ҳужжатларда 1930-1933 йилларда "махсус кўчирилганлар" (*спецпереселенцы*), 1934-1944 йилларда "меҳнат кўчкиндилари" (*трудпоселенцы*), 1944-1954 йилларда яна "махсус кўчирилганлар", айрим ҳужжатларда эса "собиқ қулоқлар" деб юритилди.

Ўзбекистондаги "қулоқ посёлкалари"га маҳаллий қулоқ хўжаликлари билан бир қаторда собиқ иттифоқнинг турли минтақаларидан сургун қилиб келтирилган қулоқ оилалари ҳам жойлаштирилган. Бу ердаги "махсус кўчирилганлар" асосан қишлоқ хўжалиги ишларига сафарбар қилинган ва улар зиммасига оғир мажбуриятлар юкланган.

1941 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон ССРда 14 та меҳнат посёлкаси бўлиб, уларда жами 12078 киши бўлган. Махсус кўчирилганларнинг дислокацияси қуйидагича эди:

Бекобод районидаги №6 "Далварзин" меҳнат посёлкасида – 2345 киши, Ховос районидаги №2 "Боёвут" меҳнат посёлкасида – 1883 киши, Оққўрғон районидаги №3 Сталин номли посёлкада – 1410 киши, Қуйи Чирчиқ районидаги №4 "Ўзбекистон 5 йиллиги" посёлкасида – 1320 киши, Денов районидаги №1 "Ҳазорбоғ" посёлкасида – 1170 киши, Учқўрғон районидаги №8 "Норин" посёлкасида – 1155 киши, Жалолқудуқ районидаги №8 "Савай" посёлкасида – 944 киши, Бекобод районидаги №12 Дзержинский номли қишлоқ хўжалик артелида – 724 киши, Булунғур районидаги №5 "Булунғур" посёлкасида – 309 киши, Избоскан районидаги Куйбишев номли №9 посёлкада – 298 киши, Янгийўл районидаги №10 боғдорчилик хўжалигида – 256 киши, Янгийўл районидаги элита хўжалигида – 125 киши, Янгийўл районидаги №12 ЦОСНИХИ (Пахтачилик илмий тадқиқот институти Марказий тажриба станцияси)да – 109 киши, Янгийўл районидаги сабзавотчилик совхозида – 30 киши [1.145-147].

Уруш арафасида, яъни 1941 йилнинг июнь ойи бошларида Ўзбекистондаги меҳнат посёлкаларида 3298 оила ёки 11843 киши бўлган. Уларнинг асосий қисмини – 1856 оилани Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан сургун қилинган қулоқлар ташкил қилган. Посёлкалардаги 3298 хўжаликдан 2996 таси "қулоқлар", 129 таси бой-помешчиклар, 24 таси руҳонийлар, 103 таси савдогарлар, 31 таси дворянлар, 7 таси князлар, 8 таси чор ҳукумати собиқ хизматчилари бўлган [2.53].

1941 йил 1 январидан 1 июлигача меҳнат посёлкаларида ўзгаришлар қуйидагича: туғилганлар – 217 та, ўлганлар – 162 та, қочиб кетганлар – 85 та, қочқинликдан ушлаб келинганлар – 32 та, қочқинликдан ихтиёрий қайтиб келганлар – 35 та. 256 нафар ёшлар СССР ХКСнинг 1938 йил 22 октябрдаги қарори* бўйича озод қилинган, 55 киши (қариялар) қариндошлари қарамоғига берилган. Хуллас, бу давр оралиғида меҳнат посёлкаларига келиб қўшилганлар 337 кишини, кетганлар 604 кишини ташкил этган [2.60-63].

Уруш арафасида махсус кўчирилганлардан 2781 оила (10525 киши) ЎзССР Совхозлар халқ комиссарлиги тизимидаги совхозларда, 183 оила (565 киши) Озиқ-овқат халқ комиссарлиги тизимидаги боғдорчилик-узумчилик трести хўжаликларида, 64 оила (234 киши) пахтачилик илмий тадқиқот институти хўжалигида, 8 оила (30 киши) ЎзССР НКВД сабзавотчилик совхозида, 292 оила (724 киши) №12 меҳнат посёлкаси базасидаги қишлоқ хўжалик артелида меҳнат қилмоқда эди.

Уруш бошланиши муносабати билан меҳнат посёлкаларидаги тартиб-қоидалар, назорат ишлари янада кучайтирилди. 1941 йил 14 июлда меҳнат посёлкалари бўлган барча республика, ўлка ва вилоят НКВД органларига ГУЛАГ раҳбариятидан мавжуд меҳнат посёлкаларида ҳар қандай ҳолатдаги озод қилиш ишларини тўхтатиш ҳақида кўрсатма келди, шунга биноан меҳнат посёлкаларида сургун қилинганларни озод қилиш вақтинча тўхтатилди [3.69]. 1941 йил 12 декабрдаги кўрсатмага мувофиқ эса меҳнат посёлкалари комендатуралари қўшимча соқчилар ва назоратчилар билан таъминланди. Шунингдек, посёлка комендантлари ва участка милиционерлари ҳам қурол олиб юрадиган бўлдилар.

Меҳнат посёлкаларида меҳнат кўчкиндиларига нисбатан жазо чоралари ҳам кучайтирилди. Меҳнат интизомини бузганлар ва прогул қилганлар судга берила бошлади. 1941 йил август ойининг ўзида Ўзбекистондаги меҳнат посёлкалари-

* Бу қарор бўйича 1938 йил 1 ноябридан эътиборан 16 ёшга тўлган "қулоқ" фарзандларига паспорт берилиб, улар ўқишга ёки ишга жойлашишлари учун меҳнат посёлкаларидан озод қилина бошлаган.

да турли сабаблар билан 20 киши ЎзССР Жиноят Кодексининг 106-моддаси бўйича жавобгарликка тортилди [4.38]. СССР Ички ишлар Халқ Комиссарлигининг 1942 йил ноябрь ойидаги махфий кўрсатмаси билан посёлкалардан қочганлар халқ судлари орқали эмас, НКВД нинг махсус йиғини (особое совещание) орқали жиноий жавобгарликка тортила бошлади [4.38].

Посёлкаларда НКВДнинг махфий агентлари собиқ "босмачилар"ни ва антисовет кайфиятдаги кишиларни излашга тушган. Шубҳа остига олинганлар НКВДнинг оператив рўйхатига олинган. Жумладан, Қуйи Чирчиқ районидаги №4 меҳнат посёлкасидан 1942 йилда 36 кишининг номи НКВДнинг оператив ҳисобига олинган. Улардан 8 таси "исёнчи қулоқлар", 12 таси "антисовет кайфиятдаги қулоқлар", 2 таси собиқ князлар, 2 таси помешчик, 4 таси "йирик қулоқ", 8 таси "собиқ босмачи" бўлган. 1941 йилда бу меҳнат посёлкасидан Позилов Турсунбой қамоққа олинган. "Ота" лақабли НКВД агентининг ёзишича Позилов Турсунбой шундай деган: "Яқинда бу ерга Гитлер келади, барча қийинчиликлар тугайди. Фақат Гитлергина бизни ўзига яқин дўст сифатида кўради... Мен яқин орада бу ердан қочиб кетаман. Тайинли жойда мени 5 та йигитим қуроллар билан кутиб олади" [4.486].

1942 йилнинг март ойида Денов районидаги №1 "Ҳазорбоғ" меҳнат посёлкасидан 1872 йилда туғилган Отаев Шоди қамоққа олинган. НКВД агентининг берган маълумотига кўра, Отаев Шоди ўтмишда "босмачилик" ҳаракатида фаол иштирок этган ва қўрбоши лавозимида бўлган [4.25].

Янгийўлдаги меҳнат посёлкалари бўйича 11 кишининг номи НКВД нинг оператив рўйхатига олинган. Улардан 6 таси "антисовет кайфиятдаги қулоқлар", 3 таси "собиқ босмачилар" бўлган. 1941 йил август ойида Али Мамаюсупов НКВДнинг махсус йиғини томонидан қамоққа олинган. Аниқланишича, у ўтмишда қўрбоши бўлган ва ихтиёрида 55 йигити бўлган [4.483].

1942 йил март ойида Оққўрғон районидаги №3 меҳнат посёлкасидан қамоққа олинган Дадабоев Қосим Эсон ва Дадабоев Вали Эсон ўтмишда "босмачилик"да фаол иштирок этганликда ва 1941-1942 йилларда безорилик қилганликда, чайқовчилик билан шуғулланганликда айбланиб, олий жазо – отувга ҳукм қилиндилар. Шунингдек, шу меҳнат посёлкасидан Абу Зачукаев 8 йилга, Анаев 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган [4.59].

Бекобод районидаги №6 ва №10 меҳнат посёлкаларидан 52 кишининг номи НКВД оператив рўйхатига олинган. Улардан 24 таси "собиқ босмачилар", 16 таси "йирик собиқ қулоқлар", 3 таси "халқ душманлари"нинг қариндошлари, 7 таси мусулмон руҳонийлар, 2 таси чор армияси офицерлари бўлган. Бу меҳнат посёлкасида "халқ душмани" сифатида отиб ташланган Файзулла Хўжаевнинг хотини Робия Хўжаева, Файзулла Хўжаевнинг отиб ташланган укаси Ота Хўжаевнинг хотини Шарифа Гизатулиналар ҳам бўлган. Улар ҳақида "Роза", "Ғойиб" лақабли НКВД агентлари маълумот етказиб турганлар [4.49-50].

Умуман, 1941-1942 йилларда ЎзССР меҳнат посёлкаларидан 283 киши собиқ "босмачи" сифатида, 279 киши аксилшўрочи ва аксилинқилобчи шахслар сифатида НКВДнинг оператив рўйхатига олинган [5.5].

1942 йил ўрталарига келиб Ўзбекистондаги меҳнат посёлкалари сони 11 тага тушиб қолди. 2 та район комендатураси тугатилди ва 11 та посёлка комендатураси фаолият кўрсата бошлади. Мазкур комендатураларнинг тармоғи 64 тага етди. 1942 йил 1 июлигача 11 комендатура бўйича 3156 хўжалик (10667 киши) рўйхатда бўлган [6.23]. 1942 йил 1 январидан 1 июлига қадар меҳнат посёлкаларидан кетганлар 1439 кишини, келиб қўшилганлар 308 кишини ташкил этган. Чунончи, 278 нафар ёшлар СССР ХКСнинг 1938 йил 22 октябрдаги қарори бўйича озод қилинган, 35 киши қочиб кетган, 28 киши қамоққа олинган, 114 киши ўлган. 183 киши туғилган, 64 киши тутиб келинган, 18 киши ихтиёрий қайтиб келган, 19 киши қамоқдан қайтган ва бошқа сабаблар билан 28 киши келган. Шунингдек фашистлар оккупация қилган жойлардан ҳам 23 киши келиб қўшилган [6.26].

1942 йилнинг иккинчи ярмида ЎзССРдаги 11 та посёлка комендатураларида 3156 оила ёки 10667 киши рўйхатда бўлган. 1942 йилнинг 1 июлидан 1943 йилнинг 1 январига қадар меҳнат посёлкаларида қуйидаги таркибий ўзгаришлар юз берди: жами келиб қўшилганлар 164 киши, улардан туғилганлар 124 киши, оиласига қўшилиш учун бошқа республикалардан келганлар 1 киши, қочқинликдан ушлаб келинганлар 33 киши, қамоқ муддатини ўтаб қайтганлар 6 киши; жами кетганлар 1910 киши, улардан СССР ХКСнинг 1938 йил 22 октябрдаги № 1143/280с сонли қарори бўйича озод қилинганлар (16 ёшга тўлган ўсмирлар) 4 киши, қариндошлари қарамоғига берилганлар (қариялар) 5 киши, қочиб кетганлар 2 киши, судланганлар 45 киши, ўлганлар 151 киши, бошқа сабаблар билан посёлкадан кетганлар, шу жумладан, қизил армияга олинганлар 1703 киши [7.362].

Меҳнат посёлкалари аҳолиси уруш йилларида ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида машаққатли меҳнат билан банд бўлдилар. Уларнинг зимма-

сига янги мажбуриятлар ҳам юкланди. Бекобод районидаги Дзержинский номли қишлоқ хўжалик артелининг 1942 йилдаги фаолияти жуда самарали бўлди. Бу даврда артель таркибида 213 хўжалик ёки 459 киши бўлган. Артелнинг жами 1908 гектар ери бўлиб, 1942 йилда унинг 763 гектарига пахта, 593 гектарига донли экинлар, 16 гектарига мойли экинлар, 317 гектарига чорва озуқаси, 19 гектарига резавор, 60 гектарига полиз экинлари экилган, 14,4 гектарида боғдорчилик йўлга қўйилган. Бу йилда пахта ва бошқа экинларнинг кеч экилганлиги, ишчи кучининг етишмаслиги, шунингдек, ноқулай об-хаво шароити туфайли пахта режаси 90%, ғалла режаси 54,8%, мойли экинлар режаси 4,1%, полиз экинлари режаси 51,9% бажарилган, холос [7.366-367]. Лекин, гўшт топшириш бўйича давлат мажбурияти 115%, тухум мажбурияти 100%, ғалла мажбурияти 100%, МТСларга ғалла ҳисобидаги натурал тўлов 100%, қизил армия фондига ғалла топшириш 100%, картошка ва сабзавот мажбурияти 100-109%, гуруч мажбурияти 105% бажарилган [7.367]. 1942 йилда артель аъзоларининг даромад солиқлари 100% (177814 сўм), ихтиёрий суғурта тўлови 100% (55630 сўм), ҳарбий заём 100% (273400 сўм) тўланган. Шунингдек, “Совет Ўзбекистони” танк колоннаси қурилишига артель аъзолари томонидан 72909 сўм берилган. Умуман, 1942 йилда артелнинг пул ҳисобидаги даромади 2 миллион 802 минг сўмни, аъзоларнинг ўртача кунлик даромади эса 5 сўм 27 тийинни ташкил қилган [7.368]. 1941-42 йилларда артель томонидан фронтга совға тариқасида 300 кг гуруч, 500 кг гўшт, 100 литр вино жўнатилган, 1943 йилда эса қизил армия фонди учун 20 гектар ерга шоли экилган [7.369].

Урушгача ва урушнинг дастлабки даврида сургун қилинган “қулоқ“лар ва уларнинг фарзандлари қизил армияга олинмаган, ҳарбий хизматга чақирилмаган, ҳатто ҳарбий комиссариатлар томонидан қайдга ҳам киритилмаган. СССР Мудофаа халқ комиссариати Бош бошқармасининг 1940 йил 27 февралдаги “Кўчириб келтирилган аҳоли ҳудудларидаги ёшларнинг чақириқ тартиби тўғрисида”ги кўрсатмасида НКВДнинг маҳаллий ГУЛАГ органлари ҳисобида турувчи ёшларнинг чақирув органларида қайдга олинишлари ҳамда қизил армия ва флотга сафарбар қилинишлари тақиқланган эди.

Уруш бошланган пайтда мамлакатдаги “қулоқлар сургуни”да 100 мингдан ортиқ чақириқ ёшидаги эркаклар бор бўлиб, улар 10-12 йилдан бери ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланиб келмоқда эдилар. Шу боис НКВД Лагерлар бош бошқармаси 1941 йил 14 ноябрда жойларга махфий хат юбориб, СССР ХКС нинг 1938 йил 22 октябрдаги қарорида кўрсатилган қоидалар бўйича чақириқ ёшига етган ёшларни зудлик билан меҳнат посёлкаларидан озод қилиш ва уларнинг шахсий варақаларини харбий комиссариатларга ўтказиш ҳақида кўрсатма беради [3.83]. Бу кўрсатмага мувофиқ 1941 йилнинг охирларигача Ўзбекистондаги меҳнат посёлкаларидан 330 нафар ёшлар озод қилинган [3.86].

1941 йил декабридан эътиборан меҳнат кўчкиндиларини ҳам урушга сафарбар қилиш ҳаракати бошланади. 1941 йилнинг 15 декабригача Ўзбекистондаги меҳнат посёлкаларидан 18 киши фронтга олинган, шунингдек, яна 14 киши урушга жўнатишларини сўраб ариза берган. Бу пайтда посёлкаларда 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган 2738 эркак бор эди [2.135].

1942 йил май ойигача меҳнат кўчкиндиларини урушга сафарбар қилиш ишлари оммавий тус олмади, бу жараён жуда суст бормоқда эди. 1942 йил март ойи охирларида СССР Ички ишлар халқ комиссари ўринбосари С.Н.Круглов СССР ХКС раиси ўринбосари В.М.Молотовга махсус хат йўллаб, НКВД ГУЛАГ меҳнат посёлкаларидаги харбий хизматга яроқли, “сургун қилинган пайтда қулоқ хўжалиги бошлиғи бўлмаган, фақат оила аъзоси бўлган” эркаклардан 100 минг нафарини урушга сафарбар қилиш ҳақида таклиф киритади [8.175]. Шундан кейин СССР ХКСнинг “Меҳнат кўчкиндилари фарзандларининг харбий мажбуриятни ўташлари тўғрисида” қарори қабул қилинди. Унда НКВД ГУЛАГ меҳнат посёлкаларида сургунда бўлган, сургун қилинган пайтда хўжалик бошлиғи бўлмаган эркакларни умумий асосда ҳарбий хизматга сафарбар қилиш мумкинлиги айтилган эди. Қарорнинг бир бандига кўра, ҳарбий хизматга олинганлар оила аъзолари иш ҳақларидан меҳнат посёлкаларининг маъмурий бошқарув ҳаражатлари учун ушлаб қолинаётган 5 фоизлик чегирмалар бекор қилинди. Шунингдек, Ички ишлар халқ комиссарлигига қизил армияда бир йилдан ортиқ хизмат қилиб, қўмондонликнинг ижобий тавсифномасига сазовор бўлган меҳнат кўчкиндилари оиласини сургундан озод қилиш ҳуқуқи берилди [9.425-426].

Давлат Мудофаа Комитети (ГКО)нинг 1942 йил 11 апрелдаги №1575сс сонли қарорига биноан, 1942 йил 15 апрелидан 15 майга қадар меҳнат сургунидаги ”қулоқлар” ва улар фарзандларидан 35 минг киши қизил армияга сафарбар қилинди. Бу рақам 1942 йил июнь ойида 50 мингдан зиёдга кўпайди [10.28]. Ўзбекистондаги меҳнат посёлкаларидан ҳам “собиқ қулоқлар“ни урушга сафарбар қилиш ишлари оммавий тус олди. 1942 йилнинг

май-ноябрь ойлари давомида Бекобод районидаги “Далварзин” меҳнат посёлкасидан 174 киши, “Норин” меҳнат посёлкасидан 90 киши, Оққўрғон районидаги №3 меҳнат посёлкасидан 143 киши, Ховос районидаги “Боёвут” меҳнат посёлкасидан 87 киши, Денов районидаги “Ҳазорбоғ” меҳнат посёлкасидан 103 киши, Янгийўл районидаги №12 меҳнат посёлкасидан 36 киши урушга сафарбар қилинган [11]. 1942 йилнинг 20 майигача ЎзССР меҳнат посёлкаларидан 1126 киши урушга олинган. Бу вақтда меҳнат посёлкаларида яна 2084 нафар чақириқ ёшидаги меҳнат кўчкиндилари бор эди [12.236].

СССР Ички ишлар Халқ Комиссарлигининг 1942 йил 22 октябрдаги №002303 сонли “Қизил Армияга чақирилган меҳнат кўчкиндилари ва улар оила аъзоларини меҳнат сургуни ҳисобидан чиқариш тўғрисида” буйруғига биноан, урушга сафарбар қилинган меҳнат кўчкиндилари ва уларнинг оила аъзолари меҳнат посёлкалари ҳисобидан чиқарилди ва уларга турли чеклашларсиз паспорт бериладиган бўлди. Шунингдек, меҳнат посёлкалари ҳисобидан чиқарилган меҳнат кўчкиндилари маошларидан олиб қолинаётган 5 фоизлик чегирма ҳам бекор қилинди.

1942 йил 1 ноябрида меҳнат кўчкиндиларини қизил армияга сафарбар қилиш ишлари якунланди. Уруш бошланишидан то бу даврга чаСССРдаги 25 та сургун минтақасидан жами 60747 меҳнат кўчкиндиси (улардан 57324 нафари 1942 йил 1 январидан кейин) урушга юборилди. Жумладан, Ўзбекистон ССР меҳнат посёлкаларидан 1658 киши урушга сафарбар қилинган [13.103].

Лекин, совет-герман фронтида 1943 йилдаги туб бурилишдан кейин “собиқ қулоқлар”ни урушга оммавий сафарбар қилиш жараёни сустлашган. 1943 йилда мамлакат бўйича “қулоқлар сургуни”-дан 20 минг киши ишчи колонналарига олинган, холос [12.237].

Афсуски, урушга олинган “собиқ қулоқлар” ва оила аъзоларини меҳнат посёлкалари ҳисобидан чиқариш ишлари жуда суст борди. 1942 йил 10 декабргача мамлакат бўйича фақат 47116 меҳнат кўчкиндиси ҳисобдан чиқарилди. Улардан 17775 таси урушга олинганлар, 29341 таси уларнинг оила аъзолари эди [13.104]. Лекин, умуман олганда, урушга сафарбар қилинганлар оиласининг сургун ҳисобидан чиқарилиши меҳнат посёлкаларида катта руҳий кўтаринкиликка сабаб бўлди. Сургундагилар кўнглида эртами-кеч сургундан озод бўлишларига умид пайдо бўлди. Улар яқин орада тенг ҳуқуқли фуқаролар бўлишларига ишонган ҳолда, фронтдаги яқинларига хат ёзиб, уларни мардона жанг қилишга руҳлантирдилар.

1942 йил 22 июлда СССР Ички ишлар Халқ Комиссарлигининг № 289 сонли махсус кўрсатмаси маҳаллий НКВД органларига юборилган бўлиб, унда меҳнат посёлкаларидан қизил армияга сафарбар қилинганлар оиласи СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 26 апрелдаги “Уруш даврида оддий аскар ва кичик командир тоифасидаги харбий хизматчилар оиласига нафақа тайинлаш ва бериш тартиблари тўғрисида”ги қарорида белгиланган имтиёзлардан фойдаланиши, шунингдек, урушда ногирон бўлиб келганлар оиласи СССР ХКСнинг 1940 йил 16 июлдаги ”Муддатли ҳарбий хизматдаги аскар ва кичик командирлар тоифасидаги ҳарбий хизматчилар ва улар оиласига пенсиялар ҳақида”ги қарори бўйича имтиёзга эга бўлиши билдирилган эди [5.41].

Бироқ айрим ҳолатларда меҳнат посёлкаларидан урушга жўнаб кетганлар ёки ногирон бўлиб урушдан қайтиб келганлар оиласига тегишли ёрдам ва нафақалар берилмаган. Қонунда белгиланганига қарамай, бу оилалар асоссиз равишда имтиёзлардан маҳрум қилинганлар. Шу сабабли ҳам юқоридаги ҳолат бўйича Янгийўл, Бекобод районидаги меҳнат посёлкаларидан кўплаб шикоят аризалари тушган [5.48].

1942 йил апрель ойида ЎзССРда меҳнат посёлкалари 1 тага кўпайиб улар миқдори 11 тага етди. Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ районида янги №5 меҳнат посёлкаси ташкил қилинди. 1942 йилда Ўзбекистондаги меҳнат посёлкаларида ўртача 3286 оила (10184 киши) бўлган. Улардан 2747 оила (10181киши) ЎзССР совхозлар халқ комиссарлиги тасарруфидаги пахтачилик совхозларида, 185 оила (567 киши) ЎзССР боғдорчилик-узумчилик трести совхозларида, 64 оила (228 киши) ЎзССР Ер ишлари халқ комиссарлиги ихтиёрида, 283 оила (713 киши) қишлоқ хўжалик артелларида, 7 оила (24 киши) ЎзССР НКВД сабзавотчилик совхозида шартнома асосида меҳнат қилган. Шунингдек, меҳнат кўчкиндиларидан 47 киши ЎзССР ички савдо комиссарлиги қарамоғидаги ташкилотларда, 39 киши соғлиқни сақлаш муассасаларида, 8 киши Маориф халқ комиссарлиги ихтиёридаги ташкилотларда 7 киши ногиронлар артелида турли ишлар билан шуғулланган [5.6].

1942-1943 йилларда урушга сафарбар қилинган “собиқ қулоқлар” оила аъзоларидан бир қанчаси озод қилиниб, туғилган жойларига жўнаб кетдилар. Шунингдек, СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1938 йил 22 октябрдаги қарори бўйича 16 ёшга тўлган йигит-қизлар ҳам тўхтовсиз озод қилиндилар. 1944 йил март ойининг ўзида мазкур қарор бўйича №3 меҳнат посёлкасидан 42 киши, №8 посёлкадан 8 киши, №10 посёлка-

дан 15 киши, №11 посёлкадан 47 киши озод қилинган. Уруш йилларида меҳнат посёлкаларида кўчкиндиларнинг қочиб кетиш ҳоллари ҳам анча кўпайди, посёлкаларда собиқ қулоқлар сони тобора камая борди.

1943-1945 йилларда уруш ҳаракатлари кетаётган ҳудудлардан, асосан, Қрим ва Кавказорти ўлкасидан бир қанча миллат вакиллари депортация қилинди. Улар ҳам турли минтақалардаги махсус посёлкаларга жойлаштирилдилар. Шу муносабат билан 1944 йил март ойида СССР НКВД таркибида бўлиниш юз бериб, ГУЛАГ тизимидан меҳнат ва махсус посёлкалар бўлими алоҳида тармоқ сифатида ажралиб чиқди. Шу вақтдан эътиборан меҳнат посёлкалари яна аввалгидек “махсус посёлкалар”, сургун қилинганлар эса “махсус кўчирилганлар” деб атала бошлади. Сургун қилинган қулоқлар эса расмий ҳужжатларда “махсус кўчирилганларнинг “собиқ қулоқлар” контингенти”, ёки қисқача “собиқ қулоқлар” деб юритила бошлади.

1945 йилда ЎзССР бўйича меҳнат посёлкаларида собиқ қулоқлар сони вилоятлар бўйича қуйидагича тақсимланган эди: Тошкент областида – 1680 оила (5249 киши), Самарқанд областида – 76 оила (231 киши), Андижон областида – 189 оила (562 киши), Наманган областида – 209 оила (626 киши), Сурхондарё областида – 230 оила (680 киши), республика бўйича – 2384 оила (7348 киши) [14.76].

Хуллас, сургундаги “собиқ қулоқлар” иккинчи жаҳон урушининг бутун машаққатларини ўз бошидан кечирдилар. Улар совет тузумидан жабр кўрганига қарамай, урушнинг бутун қийинчиликлари ва масъулиятларини барча совет халқи қатори ўз зиммаларига олдилар. Махсус кўчирилганлар фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Уруш йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича режа ва мажбуриятлар ортиғи билан бажарилди. Кўплаб собиқ қулоқлар ва уларнинг фарзандлари уруш жанггоҳларига сафарбар қилиниб, маълум бир қисми қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Уруш йилларида сургун қилинган қулоқларга нисбатан муносабат ижобий томонга ўзгара бошлади. Бу ҳол уларни махсус сургундан оммавий равишда озод қилинишларига йўл очиб берди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архиви (ЎзР ИИВА), 32-фонд, 1-рўйхат, 10-иш.
2. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 11-иш.
3. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 9-иш.
4. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 15-иш.
5. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 14-иш.
6. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 18-иш.
7. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы в 3-х томах. / Сост. Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой. Том 2. – Т.: Шарқ, 2006.
8. Финаров А. К вопросу о ликвидации кулачества как класса и о судьбе бывших кулаков в СССР. – М., 1961.
9. История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. /Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. – М.: РОССПЭН, 2004.
10 .Шамсутдинов Р. Абдуллаев М. Жангчи ўзбек “қулоқ“лари. // Фан ва турмуш, 2000. №6.
11. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 32,24,25,27-ишлар.
12. Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев.– М., 1995.
13. Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – М.: Наука, 2003.
14. ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 53-иш.

Андижон давлат университети,
2013 йил 27 августда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)